O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил 5 сентябрь ШАНБА
№ 71 (12.187)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади
www.th.uz

*Биринчи қўнғироқ*




**Сентябрнинг илк кунлари байрамларга бой бўлди. Яъни, Мустақиллик шодиёналари, азим Тошкентнинг 2200 йиллиги тантаналари давом этаётган шу кезларда болажонларимиз ёз бўйи орзиқиб кутган биринчи қўнғироқ садолари ҳам янгради.**




## ИЛМ ЙЎЛИНИНГ ИЛК ОСТОНАСИ

Жамиятнинг етакчи кучи – маорифчилар ҳам янги ўқув йили мавсумига хушкайфият ва ўзгача тайёргарлик билан келишди. Бу йили вилоят умумтаълим мактабларининг биринчи синфида деярли 40 минг кичкинтой ўқишни бошлади. Жажжи болакайлар учун Президентимизнинг муносиб совғаси, дарсликлар тақдим этилди.

«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!». Бу эзгу тамойил пировардида барча жабҳалардаги кенг кўламли ўзгаришлар, изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ таълим соҳасини ҳам янги босқичга кўтарди. Баркамол авлоднинг ҳеч қайси давлатникидан кам бўлмаган шарт-шароитларда пухта билим олишлари учун барча имкониятлар ишга солинаётганлигига бугун ҳар биримиз гувоҳмиз.

«Мустақиллик биз учун ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир» шиори остида ўтган юртимизнинг улуғвор тантаналарига умумтаълим мактабларида биринчи қўнғироқдан сўнг «Мустақиллик дарслари» туташиб кетди.

(Давоми 2-бетда).

**Даврон АҲМАД ва Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

## ШУНДАЙ ВАТАН ДОИМ БОР БЎЛСИН!

**Йиллар ўтмоқда, кунлар ботиб, тонглар отмоқда. Тонг – бу кун, тонг – бу орзу, тонг – бу йўл! Мустақилликнинг пойдевори устида озод ва обод Ватан қад ростламоқда. Бир навқирон йигитнинг ёшини яшаб, дадил қадам ташлаётган Истиқлол дилимизда ифтихор туйғуларини янада жўш урдирмоқда.**

18 йил... Боласи ўн саккизга киргунча, пайпаслаб асраган, таълим-тарбия берган, оқ-қорани танитган, она-юртнинг қадрини ўргатган ота-онани кўз олдингизга келтиринг. Бола катта қилишнинг жавобгарлигини ҳис этиб кўринг. Сиз ахир элга-эл қўшаяпсиз, юртнинг эртасини таъминлайдиган авлодни етиштираяпсиз, ўзингизнинг келажагингизни тиклаяпсиз, мевасини кутаяпсиз...

Мустақилликдаги 18 йил силлиқ кечгани йўқ, ҳамма нарса ўз-ўзидан барпо бўлгани йўқ, тараққиёт, юксалиш осмондан тушгани йўқ... Бунинг орқасида, аввало доно сиёсат, тинчлик, ҳамжиҳатлик ва инсон қалбига йўл топиш каби эзгу ҳаракатлар турибди.

Эсимда, мустақилликнинг дастлабки йиллари қишлоқ одамларига ер участкалари ажратиш ҳақида муҳим қарор чиқди. Бир уйда беш жон билан тиқилиб яшаётган Ёқубжон бува бир эмас, учта участка олганида, ерни қучоқлаб йиғлаганларини кўрдик. Эндигина Истиқлол тонги отган эди, Истиқлол булоқлари кўз оча бошлаган пайт эди.

Ёки бўлмаса, етти авлоди елкасидан кетмон тушмаган Пардабой сувчи бирданига фермерга айланиб қолганида, ўзига берилган ерни бир ҳафта қадамба-қадам юриб ўтганини ҳам кўрдик.

18 йил давомида елкаларга-елкалар туташди, янгича фикрлаш бўй кўрсатди.

Истиқлол юкини кўтарган қўллар кўпайди, юк енгиллашди, масъулият кучайди, ҳамма орзулади. Фермерлар бир ён, тадбиркорлар бир ён, оталар бир ён, болалар бир ён, мақсад эса ўртада. Ният – шу юртга хизмат қилиш, фидойи бўлиш.

Эл аввало Юртбошини қўллади, сўнг бир-бирини қувватлади – тараққиёт тезлашди. Одамлар ўзларига сиғмай нималаргадир урингилари келаверди, меҳнатнинг янги турларини излашди.

Қўллашиб кўтарган юк ҳамиша енгил бўлади. Истиқлол ҳеч қачон тайёр ҳолда келмайди, халқ уни кўплашиб, пойдеворидан бошлаб қуради. Зотан, мустақиллик ғоялари ҳамиша элнинг кўнглида кўмилиб ётган орзуларни уйғонишга чорлайди, эркингни танитади, ҳуқуқингни англатади, сен ҳам бу дунёда озод инсон эканлигингни эслатади.

18 йил давомида амалга оширилган ишларни ўйласангиз, атрофда бўлаётган катта ўзгаришлардан олдин одамлар кўз олдингиздан бир-бир ёдингизга тушади. Ҳамма ҳаракатда, фермеру тадбиркорлар, ишбилармону бизнесчи ана шу ҳаракатнинг олдинги сафида. Инсоний бу хислатлар тагида хотиржамлик бор, хотиржамлик эса тинчликнинг мевасидир. Зотан, юрти тинч, меҳнати завқли, кўнгли орзуларга тўла эл тинчликни ҳамиша қўллаб-қувватлаган. Тинчликни ҳамма нарсадан афзал билган эл бирлашган дарё бўлишини, аксинча, тарқалган ирмоқ бўлишини яхши тушунади. Шунинг учун тинчликнинг қадри баланд, бизда ҳамжиҳатлик ҳамиша давлат келтирган. Давлатинг зиёда бўлсин, она халқим!

### БИЛИМЛИ БОЛАЛАР КЕРАК БИЗГА

Бундан 20 йил илгариги мактабларни, ҳозир фахр билан коллеж деб атаётганимиз – ўша пайтлардаги «училище»ларни эслайсизми?

Ўша ҳолат билан бугунги шароитларни солиштириб кўринг. Аввало, ўсиб келаётган авлодга ҳавасингиз келади. Шундай элнинг фуқароси эканлигингиздан кўксингиз ҳаяжонга тўлади.

Мактаб ва коллежлардаги бугунги шароит битта нарсани тақозо этади: Энди бизга билимли ёшлар керак! Бир суҳбатимизда 40 йил мактабда ишлаб, бугун 70 ёшни қоралаган Ҳикмат бува шундай деган эди:

– Болаларга қараб ҳар куни «ўқинг, ўқинг, болалар, интилинг, бир-бирларингиздан ўзинг!» дегим келади. Шундай улуғ замонга билимли ёшлар керак!

Ҳа, фарзандлари билимдон, ўқитувчилари эса фидойи бўлиши талаб этиладиган даврда яшаяпмиз. Изланганга майдон кенг, интилганга имкон кенг, қўлни узатишни ўрганмоқ керак.

– Қўл узатинг, болаларим, орзуларга, умидларнинг қанотидан тутиб олинг, интилинг дунёга, сирлар билан сирлашинг, бир-бирингизни қўллаб-қувватланг, – деб куйлайди Чори бахши дўмбирасини сайратиб.

Ёш авлод юрт эгасидир, уларнинг қадамини ҳамиша қўллашимиз керак. Ҳар бир фарзанд келажагини ўйлаб, таълим-тарбияни, урф-одатимизни, миллий қадриятларимизни уларнинг юрагига сингдириб бориш ҳам бурчимиздир.

18 ёшинг муборак, она-Ўзбекистон! Элга эл қўшилиб, йўлга йўл эшилиб, тобора яшнаб бораётган юрт, тўйинг қутлуғ бўлсин!

**Ҳамид НОРҚУЛОВ.**

## ДОВРУҚЛИ ЭЛНИНГ ТАНТАНАВОР БАЙРАМИ

**Ҳаммамиз учун азиз ва мукаррам бўлган юртимизнинг мустақил сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлининг 18 йиллигини кўнгилларимиз ифтихор туйғуларига лиммолим ҳолда нишонладик. Байрам тантаналарида давлатимиз раҳбари ҳаққоний равишда таъкидлаганидек, ўтган йиллар натижалари – улкан ютуқларимиз мағриб ва машриқда эътироф этилиб, бугун мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаб турибди.**

Бугун қайси шаҳар ёки қишлоққа борманг, ободончилик, қурилиш, бошқа бунёдкорлик ишлари кенг кўлам ва жадал суръат касб этганлигининг гувоҳи бўласиз. Байрам арафасида вилоятимизда ўнлаб йирик мустақиллик иншоотлари ишга туширилди. Янги ип-йигирув, тўқимачилик, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалик ноз-неъматларини қайта ишлаш корхоналари маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Фарзандларимиз таълим-тарбиянинг энг замонавий воситалари ва имкониятларига эга мактаб, лицей, коллеж, институт ва университетларда таҳсил олишаётир. Қишлоқларимизда ижтимоий-иқтисодий инфратузилма жадал ривожланиб, юзлаб, минглаб янги иш ўринлари очилмоқда.

Лекин ўтган йилларнинг энг муҳим натижаси – қалбида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урган, замонавий андозаларга мос касб-ҳунарли, ўз салоҳиятини намоён этиб, жамиятда ўзига муносиб ўрин топишга иштиёқманд, байрам тантаналарида қайта-қайта айтилганидек "онги, тафаккури, дунёқараши, фикрлаши, сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва иқтисодий фаоллиги юксак" янги авлод камол топганлигидадир.

Давлатимиз раҳбари мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ: "Биз шундай маънавий муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида, барча шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшнатиб турсин", дея ният қилган эдилар. Бугун ана шу олий ният мукаммал ижобат бўлганлигига, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий юксалишнинг янги-янги йўналишларида ўзгача суръат билан буюк келажаги сари илгарилаб бораётганлигига гувоҳмиз, ҳар биримиз бу жараёнларнинг бевосита иштирокчиларимиз. Шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва овулларда ўтган тантаналарда бу жиҳат, айниқса, яққол намоён бўлди.

Жаҳонни иқтисодий танглик санжобга олиб, аросатли гирдобга ташлаган бир пайтда мустақил Ўзбекистон саноати ва қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ишлаб чиқилган умуммиллий дастурларнинг изчил, собитқадамлик билан бажарилиши шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси муттасил ўзгариб боришига, жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш, ялпи маҳсулот ҳажмини ошириб, мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини, экспорт салоҳиятини юксалтиришга ишончли асос яратмоқда.

(Давоми 2-бетда).

**Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ, юртимизда ёшлар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Келажагимиз пойдевори бўлган ёш авлодга чуқур билим бериш, уларнинг ижтимоий-сиёсий онгини юксалтириш, миллий қадриятларимизга садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга устуворлик берган жамиятимизда умумтаълим мактаблари, лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари тизими давр талаблари даражасида ташкил этилиб, ўқув-тарбия жараёнлари замонавий технологиялар асосида қурилди.**

## БИЗ БАХТИЁР ЁШЛАРМИЗ

Бугун ёшлар янги, кенг ва ёруғ, барча имкониятлар яратилган илм масканларида таҳсил олмоқдалар. Таълим муассасаларида ўқув жараёнининг янада такомиллашиши илмга иштиёқи баланд, ғайрат-шижоатли, дунёқараши кенг ёшлар сафи тобора кенгайишига хизмат қилмоқда.

Уч-тўрт йил илгари мен ҳам ака-опаларим сингари мамлакатимиздаги барча қулайликлар муҳайё этилган нуфузли олий илм даргоҳларида ўқишни орзу қилардим. Мана энди Истиқлол шарофати билан ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар туфайли олий ўқув юртининг бахтли талабасиман.

Ёшлар таълимини янада ривожлантириш, уларни ҳам жисмонан, ҳам маънан етук ва баркамол этиб тарбиялаш мақсадида Юртбошимиз ташаббуси билан болалар спорти кенг қамровда ривожлантирилиб, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» каби тизимли спорт мусобақаларини мунтазам ўтказиш анъанага айланди.



Бу ёшлар ўз иқтидорларини намоён этишлари ва жисмонан чиниқиб боришларига замин яратмоқда.

– Шу йили давлат гранти асосида вилоят давлат педогогика институтига тарих йўналиши бўйича ўқишга қабул қилиндим, – дейди Акмал Исоқжонов. – Мустақиллик ёшларга кенг имкониятлар эшигини очди, биз ўзимиз хоҳлаган олий илм даргоҳида, кенг, чиройли ва шинам хоналарда ўқиш бахтига муяссар бўлдик.

Мустақиллик йилларида шаклланиб, йил сайин такомиллашиб бораётган узлуксиз таълим эндиликда хориж ёшларининг ҳавасини келтиряпти. Бугун Тошкент шаҳри ва вилоятимиз олий ўқув юртларида талай хорижлик талабалар таълим олаётирлар.

Ҳануз диёримизда қўш шодиёна шукуҳи кезмоқда. Бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гарови бўлган Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ва мафтункор Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантаналар давом этмоқда. Байрамлар шукуҳидан дил яйраётган шу фараҳли кунларда, айниқса, биз ёшларнинг хурсандчилигимиз чексиз. Ёзги мароқли таътилдан сўнг, завқ билан янги ўқув йилини бошладик.

**Ирода НОРБОЕВА, талаба.**

## ИҚТИДОРЛИ БОЛАЛАР ЛИЦЕЙДА

**Вилоятимизнинг қатор туман ва шаҳарларида қуриб битказилган янги таълим муассасаларида ўқувчилар машғулотларни бошладилар.**

Жумладан, 2009 йилнинг манзилли дастури асосида Ўртачирчиқ туманидаги 59-мактабнинг янги биноси ҳам ўқувчиларни қабул қилди. 420 ўринли янги бино қулай ва шинам бўлиб, синфхоналари замонавий услубда, дид билан жиҳозланган. Ўқувчилар янги ўқув йилини ана шундай барча шароитларга эга бўлган таълим масканида бошладилар.

Шунингдек, Зангиота тумани, Янги Қатортол қишлоғидаги «Токзор» маҳалласида Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Зангиота академик лицейининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, туман ҳокимлиги вакиллари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, маҳалла фаоллари, ота-оналар ва ўқитувчилар иштирок этдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар ўқувчиларни янги ўқув йили, мустақиллигимизнинг 18 йиллиги билан қутладилар. Энди лицейга қабул қилинган 310 иқтидорли ўқувчи ижтимоий ва аниқ фанлар, шунингдек, хориж филологияси йўналишлари бўйича таълим оладилар.

**Юлдузхон ФАЗЛИДДИНОВА.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

2009 йилнинг 29 август куни тахминан соат 18.30 да биринчи шаҳар касалхонасининг атрофида, "Кўкча" масжиди яқинида Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Маннон Уйғур кўчаси, 5-уй, 3-хонадон манзилида, Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан муқаддам Тошкент шаҳрида республика фуқароларига қарши бир қатор қотиллик жиноятларини содир этган террорчиларнинг гуруҳини йўқ қилишга қаратилган махсус операция ўтказилган.

Ушбу ҳолат ҳақида маълумот тезкор-тергов тадбирлари ўтказилаётганлиги сабабли берилмаган.

Ўтказилган тадбирлар натижасида юқорида қайд этилган жиноятларга дахлдор бўлган, хорижий террористик марказларда ҳарбий тайёргарлик ўтаган уюшган жиноий гуруҳ аниқланган.

Махсус операция натижасида учта террорчи, шу жумладан, қидирувда бўлган, жиноий гуруҳ раҳнамоси Маҳмудов Шавкат Дилшотович йўқ қилинган.

Ҳозирги кунда мазкур ҳодиса юзасидан Ўзбекистон Бош прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов қилинмоқда ва зарурий тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, шу террористик гуруҳнинг бошқа фаол аъзолари ушланган ва иқрорий кўрсатмалар беришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг матбуот хизмати ушбу жиноий гуруҳ аъзолари устидан олиб борилган тергов ҳаракатлари натижаси бўйича қўшимча маълум қилади.




*Янгилик*

# ИХЧАМ, ҚУЛАЙ ВА СОҒЛИҚ УЧУН ФОЙДАЛИ

**"Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи билан тайёрланган маҳсулотлар ҳозир дунёнинг кўплаб давлатларига экспорт қилинмоқда. Олимларимиз яратаётган тажриба-конструкторлик ва технологик лойиҳаларнинг ишлаб чиқаришга татбиқ этилаётгани бунда муҳим омил бўлаётир.**

Юртимиздаги кичик бизнес корхоналарида импорт ўрнини босадиган, жаҳон стандартлари талабларига мос, харидоргир маҳсулотлар тайёрлаш кўлами тобора кенгаймоқда. Илгари бунинг учун четдан технологиялар олиб келиш зарур эди. Ҳозир хориж технологиялари билан рақобатлаша оладиган самарали ишланмалар ўзимизда яратилмоқда. Мисол учун ишлаб чиқариш корхоналари диққатини жалб этаётган ускуналардан бири – Тошкент ирригация ва мелиорация институти жамоаси яратган электрофильтрдир. У турли корхоналар, тиббиёт муассасалари ва уй-жойларнинг ҳавосини зарарли чанглардан – аэрозол зарраларидан тозалашда қўлланилади. Шунингдек, атроф-муҳит тозалигини асраш ҳамда саноат корхоналаридан ҳавога учиб чиқаётган моддаларни ушлаб қолиш имконини беради.

– Ҳавода учраб турадиган кўзга кўринмас аэрозол заррачалари атмосферага зарар етказади, – дейди ушбу электрофильтр ихтирочиси, техника фанлари номзоди Шавкат Музаффаров. – Бу эса экологиянинг бузилишига олиб келади. Мазкур ускуна шундай салбий оқибатларнинг олдини олиш, ҳавони тозалашда қўл келади.

Бу ихтиро саноат корхоналарида ҳозиргача қўлланилиб келинган хорижнинг ана шундай ускунасидан йигирма марта кичик бўлиб, электр энергиясини тежаш ва иш унумдорлиги жиҳатидан анча устунликка эга. Мисол учун, амалдаги ускунанинг узунлиги ўртача 20 метр бўлса, янги электрофильтрнинг узунлиги бир метрдан ошмайди. Ҳаво оқимининг тезлиги эскисида 1-1,5 метрни, янги ихтирода эса 8 метрни ташкил этади. Ана шундай тезлик ҳисобига самарадорлик саккиз мартага ошди. Шунингдек, электр сарфи амалдаги ускунада 600 киловатт бўлса, янги ишланмада бу кўрсаткич 200 ваттни ташкил этади.

Ушбу ускуна саноат корхоналарида ҳавони чангдан тозалаб, касб касалликларини камайтириш ҳамда тиббиёт ва фармацевтика муассасаларида ҳавони узлуксиз тозалаш ҳисобига дори-дармонларни сифатли сақлашда қўл келади. Ҳаво мусаффолигини таъминлаб, шифохоналарда операциядан кейин беморларнинг соғайишини тезлаштиради.

Ҳозир институт жамоаси махсус ишлаб чиқариш лабораториясида хонадонларда, тиббиёт муассасаларида ва технологик жараёнларда катта ҳажмда ҳавони ишлатадиган корхоналар учун мўлжалланган олти хилдаги электрофильтр тайёрламоқда. Унинг нархи самарадорлигига қараб 250 минг сўмдан 500 минг сўмгача. Олмалиқ ғишт заводида ушбу электрофильтрни қўллаш жараёни бошланди.

Олимнинг ихтироси патентлар билан ҳимояланган. Уни амалиётга кенг татбиқ этиш мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот рақобатбардошлигини кучайтириш, таннархи ва энергия истеъмолини пасайтириш имкониятини янада кенгайтиради. Шунингдек, атроф-муҳит мусаффолиги ва аҳоли саломатлигини асрашда муҳим ўрин тутади.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

---

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ**
**бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган**
**очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2009 йил 22 сентябрь куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига такроран Бекобод тумани СИБ томонидан, Бекобод тумани Ёшлик ХХСК омборида сақланаётган, "ВАЗ-21011" русумли, д/р 11Т9598 бўлган, 1975 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда (ижро ҳужжати 15.02.2008й, 2-29-080). Бошланғич баҳоси – 1 296 000 сўм.

Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситаси билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдода қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки»нинг Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Манзил: Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Ўразбоев кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz.

---

Утерянный аттестат O'R-B № 046972, выданный в 1999 году школой № 120 Мирзо-Улугбекского района г. Ташкента на имя Рамазанова Бекира Эминовича,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

---

Утерянный гос. ордер № 01-01/7754 от 24.02.93г. права собственности на квартиру Вишневской Галии Карамовны,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

---

Частная фирма «CHORKESAR GRANIT» Наманганской области сообщает о своей реорганизации в форме преобразования в общество с ограниченной ответственностью «CHORKESAR GRANIT». Тел.: 701-67-70.

---

# ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

**Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2009 йил 7 октябрь соат 18.00 да очиқ тендер ўтказилади.**



**1. Битта пакет билан:**
**ВХ-521 "Чирчиқ АББ – Қибрай АШБ (Байтқўрғон орқали)"**
**ВХ-501 "Мой қишлоғи – ТТЗ (Белоножко АШБ)"**
**ВХ-506 "Чирчиқ АББ – Бирлик қишлоғи"**
**2. ВХ-445 "Ўртасарой маҳалласи – Янгибозор АШБ" (Ўртасарой томондан)**
**3. ВХ-445 "Янгибозор АШБ – Ўртасарой маҳалласи" (Янгибозор томондан)**
**4. ВХ-438 й.т. "Балиқчи маҳалласи – Қўйлиқ АШБ"**
**5. ВХ-427 й.т. "Авангард маҳалласи – Қўйлиқ АШБ "**
**6. ВХ-429 й.т. "Дўстлик маҳалласи – Қўйлиқ АШБ"**
**7. ВХ-384 й.т. "Бирлик маҳалласи – Қўйлиқ АШБ"**
**8. ВХ-382 й.т. "Наврўз маҳалласи (Роҳат кўли орқали) – Қўйлиқ АШБ"**
**9. ВХ-347 й.т. "Жалолтепа маҳалласи – Қўйлиқ АШБ"**
**10. ВХ-348 й.т. "Бардонкўл – Қўйлиқ АШБ"**
**11. ВХ-428 й.т. "Кўқоновул маҳалласи – Қўйлиқ АШБ"**
**12. ВХ-450 й.т. "Гулчилик маҳалласи – Фарҳод бозори"**
**13. ВХ-467 й.т. "Ўзбекистон темир йўл станцияси – Чилонзор 25-даҳа"**
**14. ВХ-574 й.т. "Чирчиқ АББ – Чилонзор буюм бозори"**

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро-вилоят ичида йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2009 йил 27 февралдаги 51-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

**Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунова кўчаси, 4/68-уй.**

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисоб рақамига "Ўзсаноатқурилиш Банк" (ОПЕРО ТГРФ УзПСБ)ининг Тошкент шаҳридаги Минтақавий бўлими 20210000404661167001 (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида пул ўтказиб, 2009 йил 2 октябргача буюртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер таклифларини 2009 йил 6 октябрь соат 17.00 гача қабул қилади.

**Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 17-уй.**
**Вилоят ҳокимлигининг кичик мажлислар зали.**
**Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.**

---

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги томонидан 2008 йил 16 июнда «Dominanta-CentrAs-Energy» шўъба корхонасига берилган реестр № 003875-04 бўлган юридик шахсни давлат рўйхатига ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

---

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг коммунал мулкчилик ва хусусийлаштириш бош бошқармаси томонидан 1993 йил 27 январда Мирзо Улуғбек тумани, Яланғоч даҳаси (Высоковольтный), 77-уй, 19-хонадонга тегишли Кочкаров Решетберген номига берилган уй-жойни шахсий мулк эканлигини тасдиқловчи № 04-01/7581 рақамли давлат далолатномаси (мазкур олди-сотди далолатномаси 74837 рақам билан давлат рўйхатига киритилган) йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

---

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан «MURANO COLLECTION» масъулияти чекланган жамиятига берилган № 3379 рақамли Хорижий ишчи кучини жалб қилиш рухсатномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

---

ООО "Servis Va Kompyuter Sistemalari" (ОКОНХ 61124) объявляет о своем присоединении к ООО "Texnologiyalar Yechimlar Innovatsiyalar" (ОКПО 61124). Правоприемником всех прав и обязательств ООО "Servis Va Kompyuter Sistemalari" будет являться ООО "Texnologiyalar Yechimlar Innovatsiyalar". Претензии принимаются по адресу: ул. У. Насыра, дом 53-V.

---

Частное предприятие (парикмахерская) "UCHAR SAMO" (ИНН 301147321), зарегистрированное хокимиятом Мирзо-Улугбекского района г. Ташкента, юридический адрес: г. Ташкент, ул. Олтин Тепа, 318., ЛИКВИДИРУЕТСЯ (на основании решения учредителя от 29 июля 2009 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования объявления по телефону: 266-68-74.

---

Утерянный гос. ордер № 55 (рег. № 006791) права собственности на здание по адресу: г. Ташкент, Хамзинский район, ул. Лисунова, д. 13, предприятие "Абдурахмон ўғли Умидбек" на имя Абдувахидова Абдурахмана, выданный 9 января 1995 г. на основании приказа № 424ао-ПО,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

---

Учтепа тумани, Х. Турсунқулов кўчаси, 10-уй манзилида жойлашган Учтепа тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 17.07.2007 йилда рўйхатдан ўтган (реестр рақами № 001710-01) "ZIYODA POLIMER" МЧЖ ўз устав фондини 425 215 000 сўмдан 1 700 000 сўмга камайтирганлигини маълум қилади.

---

Общество с ограниченной ответственностью строительно-промышленная группа «GRANDQURINDUSTRIYA» Чиланзарского района г. Ташкента (ОКПО 19514635) сообщает об уменьшении размера уставного фонда с 105 550 000 сумов до 90 550 000 сум.

---

ТИҚХМИИ томонидан 2000 йилда Джураев Суяр Серикбаевич номига берилган В № 019402 (рўйхат рақами 50827) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

Бокс

## БОКСЧИЛАРИМИЗНИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

**Италиянинг Милан шаҳрида давом этаётган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси муваффақиятли одимларини давом эттирмоқда.**

Мусобақанинг учинчи кунида яна икки нафар ҳамюртимиз кейинги босқичга йўлланма олди. Ўз фаолияти давомида жаҳон чемпионати ва Афина Олимпиадаси совриндори, Осиё чемпиони бўлган Баҳодир Султонов 57 килограмм вазн тоифасида дунё рейтингида иккинчи ўринда. У Милландаги жаҳон чемпионатида ҳам совринли ўринларга асосий даъвогарлардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Б. Султонов жаҳон чемпионатидаги дастлабки жангини даниялик Деннис Вилли Сейланга қарши ўтказди. Беллашувни кескин ҳужумлар билан бошлаган 24 ёшли боксчимиз рақибини 15:7 ҳисобида мағлубиятга учратди. Андижон бокс мактаби тарбияланувчиси навбатдаги учрашувда венгриялик Янош Михали билан куч синашади.

Терма жамоамизнинг янги аъзоларидан Алишер Маҳмудов катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида илк маротаба қатнашаётганига қарамай, мухлису мутахассислар ишончини оқламоқда. Оғирлиги 48 килограммгача бўлган боксчилар баҳсида иштирок этаётган 20 ёшли бу спортчи дастлабки баҳсни мадагаскарлик Раймонд Эллиега қарши ўтказиб, 26:6 ҳисобида зафар қучди.

**ЎзА.**



Теннис

## ХАЛҚАРО ТУРНИР ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА

**Пойтахтимизда ўсмирлар ва қизлар ўртасида Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимидан жой олган "NBU Cup – 2009" халқаро турнири ҳал қилувчи паллага кирди.**

Ўсмирлар ўртасидаги беллашувларда беш нафар ҳамюртимиз чорак финал йўлланмасини қўлга киритди. Аслида кўрсаткич бундан ҳам юқори бўлиши мумкин эди. Сабаби – иккинчи босқичда аксарият теннисчиларимиз ўзаро беллашишга мажбур бўлди. Жумладан, биринчи рақамда сараланган Жаҳонгир Жалолов Бобур Комилжоновни 6:3, 6:3, Темур Исмоилов Ботир Сапаевни 6:7, 7:6, 6:3, Азиз Йўлдошев Руслан Гусейновни 6:1, 2:6, 6:3, Санжар Файзиев Абдуворис Саидмуҳаммедовни 6:4, 7:6 ҳисобида мағлубиятга учратиб, мусобақадан чиқариб юборди.

Иккинчи босқичдан муваффақиятли ўтган яна бир теннисчимиз Пўлат Бобожонов, қирғизистонлик Дониёр Дулдаев, покистонлик Самир Ифтихор ҳамда россиялик Станислав Исаев ҳам бош соврин учун курашни давом эттирмоқда.

Қизлар ўртасидаги беллашувларда ҳамюртларимиздан Лола Азимова Молдовадан келган Анна Батирини 6:3, 6:4 ҳисобида енгган бўлса, иккинчи рақамда сараланган Нигина Абдураимова қозоғистонлик Гулноз Докейдан 6:2, 6:0 ҳисобида устун келди.

Ҳамюртларимиздан ташқари туркманистонлик Анастасия Пренко, россиялик Валентина Русакова, Евгения Свинцова, Юлиана Воробьёва, Тамара Бижукова ҳамда америкалик Марика Маккой ҳам чорак финалга йўлланма олди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.**

Тақдимот

**Тошкентнинг буюк ўтмиши ҳақида гувоҳлик берувчи улкан меъморий обидалар, шаҳар кўркига кўрк қўшаётган, мустақиллик йилларида барпо этилган муҳташам замонавий бинолар, мухтасар айтганда, пойтахтимизнинг бой тарихи ва ҳозирги тараққиёти "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан чоп этилган тўпламда акс этган.**

## ҚАДИМИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ТОШКЕНТ

"Тошкент – бир шаҳар тарихи" деб номланган ушбу нашр Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган. Тўплам шаҳар юбилейини халқаро миқёсда нишонлашда фаол иштирок этаётган нуфузли ташкилот – ЮНЕСКО билан ҳамкорликда чоп этилган.

Китобда мамлакатимизда, хусусан, пойтахтимиз Тошкентда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида кенг миқёсли ислоҳотлар жараёнида амалга оширилган буюк бунёдкорлик ишлари ёрқин акс эттирилган. Асосан открыткалар ва фотосуратлардан ташкил топган мазкур тўплам Тошкент тарихидаги муҳим воқеалар, пойтахтимизнинг бугунги кунда ҳақли равишда Марказий Осиё дурдонаси ва "Шарқ дарвозаси" деб аталишига улкан ҳисса қўшган меҳнаткаш шаҳар аҳли ҳақида ҳикоя қилади. Халқимизнинг теран тафаккури, улкан бунёдкорлик салоҳияти, иқтидори шаҳар инфратузилмасида, майдонлар мажмуида, уй-жойлар қурилишида, мўъжаз декоратив деталларда – Тошкентнинг гўзал ва бетакрор қиёфасида ўз ифодасини топган.

Мамлакатимизнинг йирик иқтисодий, маданий ва илмий маркази бўлмиш Тошкент шаҳри мустақиллик йилларида қайта тикланган тарихи ва ҳозирги шиддатли тараққиёти, қадимий ва замонавий меъморлик анъаналарини уйғунлаштирган бино ва иншоотлари билан жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қозонмоқда. Шунинг учун ҳам рус, инглиз ва француз тилларида чоп этилган мазкур китоб мамлакатимиз ва хорижий давлатлардаги ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

**ЎзА.**

## ХАЛҚИМИЗ НИМА ДЕЙДИ?

**Мустақиллигимизнинг 18 йиллигига бағишлаб "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази аҳоли ўртасида сўров ўтказди. Бундан кўзланган мақсад мамлакатимиз ушбу давр мобайнида босиб ўтган тарихий йўл, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилган кенг кўламли туб ўзгаришлар натижалари, эришилган ютуқлар фуқароларимиз томонидан қандай баҳоланаётганини аниқлашдан иборат эди. "Ўзбекистон: мустақилликнинг 18 йили" деб номланган ушбу сўровда барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри аҳолиси иштирок этди.**

Сўровга кўра, мамлакатимиз аҳолиси юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлашни мустақилликнинг энг асосий ютуқларидан бири, деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, улар Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда эътироф этилиши, унинг жаҳон ҳамжамиятида нуфузининг ортиши, кучли ижтимоий сиёсат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича аниқ мақсадли чораларнинг амалга оширилиши, доимий иқтисодий юксалиш, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш учун пойдевор яратиш каби муҳим ютуқларни алоҳида таъкидлайди.

Тадқиқот натижалари фуқароларимиз онгу шуурида Ватанимиз мустақиллиги ғояси йилдан-йил мустаҳкамланиб, устувор аҳамият касб этаётганини кўрсатди. Аксарият фуқароларимиз (94,8 фоиз) ўтган 18 йил мобайнида мамлакатимизнинг иқтисодий, молиявий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан куч-қудрати ортди, деб ҳисоблайди.

Шунингдек, фуқароларимизнинг давлат ва жамият ҳаётининг кўплаб жабҳаларида амалга оширилаётган ишлардан қониқиши ортиб бормоқда. Масалан, сўровда иштирок этганларнинг кўпчилиги (90,8 фоиз) мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари ва суръатлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган шарт-шароит (89 фоиз), аҳолини, айниқса унинг ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш даражаси (87,7 фоиз), инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги ишлардан (86,4 фоиз) қониқиш ҳосил қилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон фуқаролари миллати, яшаш жойи, ёши ва жинсидан қатъи назар, юксак ижтимоий кўтаринкиликни намоён этмоқда. Сўровда иштирок этган барча аҳоли қатламларининг вакиллари мамлакатимиз юқори даражада тараққий этиши ва фаровон бўлишига ишонади. Ўтказилган сўровлар жамиятимизда истиқлол йилларида қонунни, инсон ҳуқуқлари, атрофдаги одамлар, хотин-қизлар, қарияларни ҳурмат қилиш каби демократик қадриятлар мустаҳкамланганидан далолат беради.

**"Ижтимоий фикр" материаллари асосида ЎзА мухбири А. ИВАНОВА тайёрлади.**

Кўзгудаги ўзимиз

## МЕҲР ҚОЛУР

Хона эшиги очилиб, супурги, челак кўтарган Жамила опа кирди. Уни кўриб, Зулфизарни кўнгли увишди. "Яна дийдиёсини бошлайди"...

Аслида Жамила опа ёмон аёлмас. Бироз сергап, холос. Зулфизарнинг акаси билан қўшни турадиган бу аёл касалхонада фаррош бўлиб ишлайди. Уч кунда бир навбатчиликка келиб, кетади. Ўтган сафар келганида сингилга аканинг уйида бўлиб ўтган йиғин ҳақида тўлиб-тошиб гапириб берганди. Бу гаплар чинми ёки бўрттирмами, ҳар ҳолда уларни эшитган Зулфизар анча вақт сиқилиб юрди.

Уч ой ичида икки марта касалхонада даволанди. Буйраги тез-тез безовта қилаяпти. Олдинги ётганида ҳам акаси бирров хабар олмаганди. Мана бир ҳафта бўлди, яна даволанаяпти. Оғаси эса синглиси борлигини хаёлига ҳам келтирмайди.

– Навбатчиликка келибсиз-да, Жамила опа,– сўради Зулфизар.

– Тузук бўлиб қолдингизми, синглим, – каравот четига омонат чўкди фаррош аёл.

У кирди-ю, хонадаги сукунат бузилди. Бир ўзи тўрт аёл билан гаплашишга улгурарди. Элликдан ошган опанинг чаққон ҳаракатларини, бажараётган ишларининг саранжом-саришталигини кўриб, Зулфизарнинг ҳаваси келди.

– Ҳа, айтганча, – деди у Зулфизарга қараб. – Кеча акангизникига қизлари йиғилишди. Қўй сўйишди. Кечга томон набирамни кўтариб чиқсам, бир уй одам. "Яна нима йиғин қилаяпсизлар", десам, янгангиз: "Қизларим куёвлар билан келишган экан", деб қўя қолди. Кечгача ўтиришди. Кабоб пиширишди, ҳиди бутун маҳаллани тутди. Оғангиз қизларини жуда яхши кўради-да.

Бор янгиликлардан ҳаммани бохабар қилиб, хонани чиннидек тозалаб бўлган Жамила опа "кейин кирарман", деб супурги-челагини кўтариб, чиқиб кетди. Яна хонага жимлик чўкди. Зулфизарнинг дили оғриди. Фаррош аёлнинг "қўй сўйди" деган гапини эшитиб, юраги чилпарчин бўлди. Онаси раҳматлининг "қорнимгамас, қадримга йиғлайман", дея куйиб-ёнишларини энди-энди тушуниб бораётганди. Эсида, шу акасига уй солинаётганида ота-онаси ёнида туриб, лой қориб, гувала қувганлари, беш фарзандини опичлаб катта қилганлари, эҳ-е, озмунча меҳнати синганмиди? Акаси ўтган кунларни унутган чоғи, жигаридан хабар олишга ярамайди. Зулфизар адоғи кўринмайдиган ўй-хаёллар гирдобида ўрнидан турди. "Қаерга кетаяпсиз?", деган ҳамхонасига жавобан: "Зерикиб кетдим, тоза ҳавога чиқай", деди қароқларига қуйилиб келаётган ёшни аранг тўхтатиб. Бўсағага етганда у ҳамхонаси Сайёранинг эшикдан кириб келаётган акасига рўбарў келди. Синглисини кўрган аканинг юзидаги табассум, оғасини бағрига талпинаётган сингилнинг нигоҳидаги меҳрни кўриб, Зулфизар энтикди. Ўзини уларга солиштирар экан, қалбига сим-сим оғриқ кирди.

**Дилфуза МИРОБИДОВА.**

ЮБИЛЕЙ МАРКАЛАРИ

**Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган почта маркаларининг махсус сўндириш маросими бўлиб ўтди. Ўзида меъморчиликнинг қадимий ва замонавий анъаналарини мужассам этган пойтахтимиз қиёфаси 2200 йиллик юбилей арафасида таниб бўлмас даражада ўзгарди.**

Ушбу байрам муносабати билан Тошкент почтамптида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ билан ҳамкорликда почта маркаларини махсус сўндириш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Фанлар академияси, Ўзбекистон филателистлар жамияти ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тошкент юбилейига бағишланган почта маркаларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг, Тошкент халқаро бизнес-маркази, Темурийлар тарихи давлат музейи, "Туркистон" саройи, Ҳазрати Имом мажмуаси, Бароқхон мадрасаси, Қатағон қурбонлари хотираси музейи бинолари ҳамда Буюк Ипак йўли харитасининг кўринишлари акс эттирилган.

**Виктор НИКОЛАЕВ, ЎзА мухбири.**

Чилонзор туманида 08.07.2008 йилда 003708-08-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган "LATOFAT LYUKS" масъулияти чекланган жамияти гувоҳномаси, устави, таъсис шартномаси, бино кадастрининг асл нусхалари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Раҳимов тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 15.07.2008 йилда № 05-05740 рақам билан рўйхатга олинган Хайдаров Нодирбек Аброровичга (ИНН 487128692) тегишли бўлган гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Жиноятга жазо муқаррар

## ТОР КЎЧАДАГИ ТЎҚНАШУВ

Фарғона – Тошкент йўналиши бўйлаб йўлга чиққан "такси" машинаси мижозларнинг илтимосига биноан довондан ўтиб, йўл ёқасидаги ошхоналардан бирида тўхтади.

– Зап таклиф бўлди-да, – Зоҳид (исм-шарифлар ўзгартирилган) ошнаси Алибекнинг елкасига қоқди, – Қўқонда ҳам ёмон топмадим, дераза ромлари ва эшик ясаб, анча пул ишладим.

– Биз ҳам дурадгормиз, – гапга қўшилди Акбар. – Тошкентда ҳам бундай касб эгалари хизматига эҳтиёж катта.

Хуллас, Зоҳид йўлда орттирган ошналари билан Тошкентга борадиган бўлди. Лекин Қўқонда ишлаб топган пулларини онасига ташлаб ўтиши керак. Шу мақсадда машина Ангренга бурилиб, ўн-ўн икки дақиқалик масофадан сўнг тор кўчага кирди.

– Ўртоқларинг ҳам бор экан, уйга олиб кириб, меҳмон қилсанг бўларди, – ўғлини кузатиб чиққан Розия опа йигитлар билан ҳол-аҳвол сўрашди. – Ана, уканг ҳам келаяпти. Бояқиш ўғлим ўртоғи билан Олимникида ишлади, уйини ремонт қилдиришга қилдириб, ҳақини бермабди...

– Шунга кайфиятинг йўқми, – укаси билан қучоқ очиб кўришди Зоҳид. – Ҳозир биргалашиб Олимнинг уйига борамиз-у, масалани ҳал қиламиз.



– Биз ҳам қарашворамиз, – керилди ака-ука суҳбатига қулоқ солиб турган Алибек. – Мабодо қочиб қоладиган бўлса, сомонхонагача етиб боролмайди...

Йигитлар икки-уч хонадон наридаги Олимнинг эшигини тақиллатишди.

– Бозорга кетувди, – деди эшикни очган жувон.

Ҳафсаласи пир бўлган йигитлар энди орқага қайтамиз деб туришганида, кўча бошида Олимнинг ўзи кўринди.

– Ҳе, аблаҳ! Ҳали сенми етимнинг бурнини қонатадиган, – Олимга ҳезланди Зоҳид олдини тўсган укасини четга суриб. – Тўрва кўтаришдан олдин қарзингни узиб қўй.

– Олдин сиз масаланинг тагига етинг, ака, – босиқлик қилди Олим. – Укангиз ўртоғи билан ишни охирига етказмай, кетворишди. Қолаверса, ишлашганига яраша ҳақ олишган.

– Чўпчагингни болангга айтасан. Буларнинг ҳақини ҳозир, шу ернинг ўзида бермасанг...

– Бекорга берадиган пулим йўқ.

Зоҳид важоҳат билан Олимга ташланди ва кетма-кет пичоқ санча бошлади. Шериклари ҳам қараб туришмади, Олимнинг қўлидаги хариди ҳамда целлофан халта ичидаги 96 минг сўм пулни тортиб олишда Зоҳидга кўмаклашиб, ҳаммалари воқеа жойидан ғойиб бўлишди.

– Лекин айбдорлар қочиб қутилишга улгурмадилар, – дейди жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар суди раиси Бахтиёр Эргашев. – Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли модда ва банди билан талончиликда айбланган 23 ёшли Зоҳид Назаровга суд ҳукми билан 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Ҳа, жиноятга жазо муқаррар. Афсуски, бу каби жиноятлар ёшлар ўртасида ҳам содир бўлаётир. Иш жараёнида бундай ҳолатларга жуда кўп дуч келамиз. Буларнинг олдини олиш учун оилада фарзанд тарбиясига жиддий қараш, ўғилми, қизми, у бўш вақтида нима билан шуғулланаётганини эътибор билан кузатиш лозим. Мактаб – маҳалла – оила ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш барчамизга тааллуқли муҳим вазифадир.

Шу мақсадда биз, суд ходимлари ички ишлар бўлими жойлардаги участка нозирлари, маҳалла қўмиталари фаоллари, маънавий-ахлоқий, диний-маърифий масалалар бўйича маслаҳатчилар, шунингдек кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда ишлашни янада жонлантираяпмиз. Зеро, бир болага етти маҳалла ота-она, деб бежиз айтилмаган.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Кулганга нима етсин

*– Менинг хотиним ҳам уяли телефонга ўхшайди.*
*– У кичкинагина, чиройли, замонавийми?*
*– Йўқ, пулим тугаши билан гаплашмай қўяди.*

*– Ойи, мактабда болалар мени хумкалла деб чақиришяпти!*
*– Адабларини бериб қўймадингми?*
*– Улар мендан тор йўлак бўйлаб қочишяпти-да!*

*Кўр ва ғилай тўқнашиб кетишди.*
*Ғилай:*
*– Кўзингга қарасанг ўласанми?*
*Кўр:*
*– Ўзинг қараган томонингга юрсанг ўласанми?*

*– Дада, пул нима degani?*
*– Пулми? Бу машина, коньяк, гўзал аёллар...*
*– Пул умуман йўқлиги нима degani?*
*– Бу трамвай, чой ва сенинг онанг!*

*– Ўғлим, кеча мен кўчадан икки юз минг сўм топиб олдим. Кейин у пулларни милицияга олиб бориб топширдим. Сен менинг ўрнимда бўлсанг, нима қилардинг?*
*– Мен ҳам сиз қилган ишни қилардим... Ёлғон гапирардим...*

**Файзулла АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.**

Рассом хандаси




Ҳусан СОДИҚОВ чизган расм.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2006 йил 18 декабрда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Хуршида НАЗАРОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Нашр индекси – 205. Буюртма Г-840. Адади 4341. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

(Т) белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.15. 2 3 4 5